



С. Сагдиев

2022 й.

**“Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги “Юнусобод” маҳалласи ҳудудини
ободонлаштириш, муҳандислик тармоқларини ва ички йўлларини таъмирлаш”
объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
1.	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, манзил:100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,16а уй.
2.	Объектнинг номланиши	Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги “Юнусобод” маҳалласи ҳудудини ободонлаштириш, муҳандислик тармоқларини ва ички йўлларини таъмирлаш
3.	Объектнинг жойлашган ҳудуди	Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги “Юнусобод” маҳалласи ҳудудида
4.	Лойиҳалаштириш учун асос	Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 29 апрелдаги 461-14-0-Q/22-сонли қарори. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 21 октябрдаги 1073-14-0-Q/22-сонли қарори.
5.	Қурилиш майдони характеристикаси (сейсмикаси, ер чўкувчанлик грухи ва бошқалар)	Сейсмиклик даражаси- ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади.
6.	Лойиҳалаштириладиган объектни мураккаблик даражаси (категория сложности)	II - тоифа.
7.	Қурилиш тури	Ободонлаштириш, муҳандислик тармоқларини ва ички йўлларини таъмирлаш
8.	Лойиҳалаштириш босқичлари	Ишчи лойиҳа
9.	Бош лойиҳачи	Танлов савдолари орқали аниқланади
10.	Бош пудратчи	Тендер савдолари орқали аниқланади

11.	Молиялаштириш манбаи	Республика бюджетининг 2022 йил учинчи чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан.
12.	Объектнинг лойиҳавий қуввати	Кўчаларнинг умумий узунлиги тахминан – 1400м. Асфальтобетон қопламаси ётқизиладиган майдон тахминан – 10000м². Аниқ узунлик лойиҳалаштириш даврида аниқлик киритилади.
13.	Шахарсозлик талаблари	ШНҚ 2.07.01-03. асосан қурилиш-монтаж ишлари жараёнида бузилган йўл ва тротуарлардаги қопламаларини қайта тиклаш. Лойиҳалаштириладиган тармоқлар ва иншоотларни муҳофаза ҳудудини таъминлаш. Лойиҳалаштириладиган объектга яқин бўлган мавжуд коммуникациялар ва иншоотларни муҳофаза ҳудудини таъминлаш. Объект бош планини ишлаб чиқиш.
14.	Лойиҳалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган коммуникациялар ва иншоотлар номи	Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги “Юнусобод” маҳалласи ҳудудини ободонлаштириш, муҳандислик тармоқларини ва ички йўллари таъмирлаш лойиҳасида қуйидагилар кўзда тутилиши керак: 1. Хушнаво кўчаси 2. Хушнаво 1 – берк кўчаси 3. Хушнаво 5 – тор кўчаси 4. Хушнаво 4 – тор кўчаси 5. Эски Юнусобод кўчаси 6. Элнур 4 – тор кўчаси Юқорида кўрсатиб ўтилган “Юнусобод” маҳалласи ҳудудидаги 6 та ички йўллари таъмирлаш Ёмғир сувларини қочириш учун ёпиқ турдаги замонавий (дренаж) ирригация тизимлари. Ободонлаштириш ишларида манзарали дарахт ва буталар экиш лойиҳалаш кўзда тутилсин. Ички йўлларни конструкция асосини тайёрлаш, асфальтлаш ишлари. Ички йўл учун бордюрлар қопламасини ётқизиш ҳамда қурилган йўлларни сақлаш ишларини назарда тутилиши. Лойиҳалаштириш ишларида ушбу лойиҳалаштириш топшириғи, қурилиш нормалари, техник текширув натижалари ва буюртмачи талаблари эътиборга олинсин. Лойиҳа ишларига қўшимча талаблар ёки лойиҳа ишларига ўзгартириш киритиш фақат буюртмачининг расмий мурожаатига ҳамда лойиҳа ташкилотининг асосли таклифига мувофиқ амалга оширилади. Электр тармоғи ўрнатиш қоидалари ПУЭ-2011й. талабларига асосан бажарилсин. Электр ёритгич тизими: ҚМҚ 3.05.06-97 талабларига асосан бажарилсин. Ёритиш устунлари (столбалар), кронштейнлар, светильниклар, электр кабеллари, симлари, бошқарув

		шкафлари ва бошқа жихозлар тури, маркаси, ўлчамлари лойиха асосида аниқлансин. Электр ёритгич устунлари (столбаларни) ва бошқа жихозларни ўрнатиш жойлари маҳалла ҳудудида бугунги кундаги йўл-транспорт ситуациясига қараб лойиха асосида аниқлансин. Ичимлик сув таминоти (қувурлар) – ҚМҚ-2.04.02-97 талабларига асосан бажарилсин ҳамда жихозлар тури, маркаси, ўлчамлари лойиха асосида аниқлансин. Ичимлик сув таминоти (қувурларни) ва бошқа жихозларни ўрнатиш жойлари маҳалла ҳудудида бугунги кундаги йўл-транспорт ситуациясига қараб лойиха асосида аниқлансин. Оқовасув таминоти (қувурлар) – ҚМҚ-2.04.03-97 талабларига асосан бажарилсин ҳамда жихозлар тури, маркаси, ўлчамлари лойиха асосида аниқлансин. Оқовасув таминоти (қувурларни) ва бошқа жихозларни ўрнатиш жойлари маҳалла ҳудудида бугунги кундаги йўл-транспорт ситуациясига қараб лойиха асосида аниқлансин. Ичимлик сув таъминоти бўйича “Сувсоз” Давлат унитар корхонасининг техник шартига асосан улансин. Уланиш ва тармоқ йўлини лойиха асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин. Оқава чиқинди сув қувури (канализация), “Сувсоз” Давлат унитар корхонасининг техник шартига асосан шаҳар оқава сув коллекторига улансин. Уланиш ва тармоқ йўлини лойиха асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин. Электр қуввати билан таъминлаш учун Тошкент шаҳар электр тамоқлари кархонасининг техник шартига асосан; Ўз ҳудудида беш та трансформаторли типовой ТП куриш керак. ТП тури ва қувватини лойиха асосида аниқлаб ҳал қилинсин. Уланишни Тошкент шаҳар электр тармоқлари кархонаси билан келишган ҳолда, лойиха асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин. Газ билан таъминлаш учун “Тошкент шаҳри бўйича газ таъминоти” ҳудудий филиали кархонасининг техник шартига асосан, ер ости газ қувиридан улансин. Ушбу газ қувирига уланиб, объектгача ётқизишни лойиха асосида ҳал қилинсин ва техник шартнинг барча амаллари бажарилсин. Курилиш минтақасига тушган бино ва иншоатларни кўчириш маҳаллий ҳокимият томонидан, мавжуд муҳандислик тармоқларини кўчириш ва қайта ўрнатиш ишлари техник шартлар асосида коммуникация эгалари томонидан мақбул лойихавий ечимлар асосида қабул қилинсин.
15.	Технологик процесслар ва жихозларга қўйиладиган талаблар	Лойихада замонавий, энергия тежамкор ва инновацион муҳандислик жихозлари қўллансин; Лойихада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган кабеллар, симлар, трубалар, изоляция

		материаллари, столбалар, светильниклар, лампалар ва бошқа конструкцияларидан фойдаланиш кўзда тутилсин.
16.	Пиёда йўлакларининг ўлчовлари ва турлари	Кам харажатли ихчам қилган ҳолда арзон материаллар қўлланиши. ШНК 2.05.02-07 “Автомобиль йўллари” 4.41-банди 22-жадвалга асосан. Намунавий ечимлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.
17.	Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022-2023 йил.
18.	Ташқи муҳандислик изланишлар зарурияти	1:500 нисбатдаги топография суръат (талабга кўра) ҳулосасига асосан.
19.	Зарур бўлган лойихаолди ва лойиха-қидирув ишлари бўйича талаблар	Муҳандислик-қидирув ишлари бўйича ҳужжатлар (топохарита) буюртмачи тақдим этади; Архитектура - режалаштириш топшириқлари, атроф муҳит муҳофазаси бўйича лойиха ва ҳулоса, зарур ҳолларда лойиха ташкилоти тамонидан бажарилади.
20.	Жойнинг тавсифи	Текислик ҳудуди.
21.	Лойиха-смета ҳужжатларини тегишли ташкилотлар билан келишиш.	Бош режа схемаси, нуқсонлар далолатномаси ва лойиха-смета ҳужжатлари лойиха ташкилоти тамонидан ишлаб чиқилгандан сўнг буюртмачи, Тошкент шаҳар, туман ҳокимлиги, туман ободонлаштириш бошқармаси, маҳалла фуқаролар йиғини ташкилотлари билан келишилган ва тасдиқланган ҳолда амалга оширилади.
22.	Табиатни ва атроф-муҳитни асраш бўйича талаблар	Лойихада кўп йиллик дарахтларни кесилишига йўл қўйилмасин. Мавжуд дарахтларни муҳофаза ҳудудини таъминлансин.
23.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича талаблар.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиха ва ҳулоса лойиха ташкилоти тамонидан тақдим этилади.
24.	Энергия сарфи бўйича талаблар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 июндаги 161 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3981 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 6 май куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган “Электротехника тармоғида фойдаланилмайётган имкониятлар ва янги захираларни сафарбар қилиш бўйича устувор вазивалар тўғрисида” ги йиғилишнинг 42-сонли баёни 9-банди билан боғча, мактаб, касалхона ва бошқа ижтимоий объектларда маҳаллий ишлаб чиқарилган муқобил энергияда ишлайдиган сув иситиш ва қуёш электр панеллари тизимларини жорий этиш топшириғи берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрда “Энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва кичик қувватли қайта тикловчи энергия

		манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-220-сонли фармони.
25.	Ташқи муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	АРТ-2 қисм ва техник ҳулосасига асосан ишлаб чиқилсин.
26.	Ерларни рекультивациялаш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар	Атроф муҳитни ҳимоялаш, бузилган ерларни тиклаш ишлари харажатлари кўзда тутилсин.
27.	Ободонлаштиришдаги иш турлари ва дарахтлар сони	Дарахтларнинг иқлимга ва ҳудудга мослиги, сувга чидамлилиги, кўп йилликлиги лойихалашда ҳисобга олинсин. Намунавий ечимлар ишлаб чиқилсин.
28.	Қурилиш муаллифлик назорати.	Муаллифлик назоратини олиб бориш лойиҳа ташкилоти тамонидан ишлаб чиқилган график асосида олиб борилади. Объектда пудратчи ёки Буюртмачи тамонидан масала кўтарилганида, лойиҳачининг объектга бориши зарурий шарт ҳисобланади.
29.	Ерларни рекультивация қилиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар.	АРТ-1 қисм ва техник ҳулосасига асосан ишлаб чиқилсин.
30.	Сунъий иншоотлар	Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 “Кўприклар ва қувурлар” талабларига мос равишда ва техник кўрик ҳулосаси асосида
31.	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини (ҚТЭЛ) ишлаб чиқиш	Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЭЛ) – тўлиқ ҳажмда ШНК 3.01.01-03 га мувофиқ ишлаб чиқилади.
32.	Топшириш қабул қилиш тартиби	ШНК-1.03.01-20 нинг 13.7 банди талабларига мос равишда бўлиши шарт. Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳаси 3 нусҳада ва электрон вариантда (PDF) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим смета ҳужжати 1 нусҳада китоб ва электрон шаклда (диск).

“Буюртмачи”

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи



Ш. Қодиров

БРБЛ ва ТХТ бўлими бош мутахассиси



Х. Юсупов